


## — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ҲАЁТ БАРЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Олти йил бурун чекка бир туманга йўлим тушган эди. Тонг қоронғусида поезддан тушгач, манзилга етиб олиш учун киракаш таксилардан бири билан савдолашдик.

Йўл олис, ҳайдовчи яхшигина суҳбатдош чиқиб қолди.

Нарх-наво, бозор, тирикчилик тўғрисида гап-гапга уланиб кетди. Уни пойтахтдаги турмуш, мени эса олис тумандаги оддий одамларнинг рўзғори қизиқтирарди.

У етти нафар фарзанди борлигини, ҳаммасини уйли-жойли қилиши кераклигини гапирарди. Овозида бир қадар ташвиш, хавотир, ишончсизлик сезиларди.

— Шу жониворнинг ғилдираги айланиб турса, — деди у машина рулини шапатилаб, тирикчилик бир алфозда ўтиб туради, айланмай қолса, худо кўрсатмасин, бола-чақанинг кўзига қарай олмайман... Бунинг ҳам юрганидан юрмай қолган куни кўп. Эски-да. Топганинининг ярмини ўзига ямайман. Қолган ярми рўзғорга ямоқ. Автокорхонамиз ўтириб қолганидан буён шу ҳунарни қилаяпман. Бола-чақа билан мол-ҳол боқаяпмиз. Озгина еримиз ҳам бор. Онаси болаларнинг каттасини мактабдан олиб қолайлик, ишга қўшайлик, олдимизда тўйлар турибди, дейди. Мен, қўй, хотин, болалар ўқисин дейман.

Эски эскилигини қилди, машина ярим йўлда бузилди. Қиш совуғида кимсасиз чўлда бир ярим-икки соатча қолиб кетдик.

Ҳамроҳим машинанинг бузилган қисмини бутлашга уннар экан, гап айланиб мамлакат олдида турган муаммоларга боғланди. У ўшанда айтган бир гап ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Мамлакат ҳам ҳозир шу эски машинага ўхшайди, у ерини ямасанг бу ери, бу ерини ямасанг яна бир жойи очилиб қолаверади. Илож қанча, чидаш керак. Уни мана бундай ўнқир-чўнқир йўллардан эҳтиётлаб олиб ўтиш, эскирган қисмларини бир-бир янгилаб бориш керак. Имкони келгач, янгиси олинади. Мана, ўзимдан қиёс-да, ҳар қанча хоҳламай янги машина олишга ҳозир қурбим етмайди-ку. Лекин оилада ҳаммамиз тиришиб-тирмашаяпмиз. Машинани барибир янгилаймиз. Янги машинанинг ўзи битта рўзғорни тебратади... Мен бунинг уддасидан чиқаман, чунки ҳунарим шу. Йигирма беш йилдан бери машинадан топганим билан рўзғор тебратаман».

Мен ўшанда **«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг»**, деган ғоянинг ҳаётий кучига имон келтирган эдим.

Менинг кўпдан-кўп сўраб-суриштиришларимга у «Ҳамма саволларга ҳаётнинг ўзи жавоб беради», — деган эди. Яқинда яна ўша томонларга йўлим тушди. Поезддан кейин манзилга энди «Дамас»да бораяпмиз. Бу ерларга беш-олти йил илгари ҳам бир келганим, эски машина йўлда бузилиб қолиб, роса совқотганимиздан гап бошлаган эдим:

— Э, — деди ҳайдовчи, — қаранг, кўзимга иссиқ кўринаётувдингиз-а... Ўшанда ҳам ўзим сизни олиб кетувдим. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, деганлари рост экан. Ўша машинаси бузилиб қолган одам мен бўламан.

Биз эски қадрдонлардек бошқатдан сўрашдик. Янги «Дамас» текис йўлда равон елади. У бир ўғли хорижда таҳсил олаётгани, яна бир ўғли ва бир қизи Тошкентда, олийгоҳларда ўқишаётганини ғурурланиб гапиради. Кундузлари хотини, фарзандлари билан пахта теримига чиқиши, кечаси киракашлик қилишини айтади. Уст-боши башанг. Ўктам кўринади. Овозида ўзига, эртасига ишонган одамнинг қатъияти сезилади. Хотирамда қолган — олти йил илгариги турмуш ташвишлари эзиб, қийнаб қўйган одам қиёфасини ҳаётнинг ўзи ҳиммат билан бутунлай ўзгартириб юборганди.

Унга, оддий бир одамнинг турмушига разм солиб, ўтган олти йилда бутун мамлакатнинг, халқимизнинг ҳаёти нақадар ўзгарганини ҳис этиш мумкин эди.

Гап айланиб Президент сайловига бориб тақалди. «Ким учун овоз бермоқчисиз?» — дея ўсмоқчилаб сўрадим. Ҳеч иккиланмай, бир сония ҳам ўйланмай «Ислом Каримов учун-да, — деди. — Хотиним, фарзандларим ҳам, — бир зум сукут сақлагач, — ҳар ҳолда мен билган одамларнинг ҳаммаси Каримов учун овоз беради», — деб қўшиб қўйди.

Унинг сўзларида кишини ишонтирувчи оҳанрабо, ғайришуурий қувват бор эди.

Мулла билганини ўқийди деганларидек, бироздан сўнг яна машиналар таърифига тушиб кетди. Ўзимизнинг «Нексия», «Дамас», «Тико»лар Россиянинг «Жигули», «Москвич»ларини супириб ташлаётганини, машиналаримизнинг афзаллиги-ю, устун жиҳатлари ҳақида сўз бошлади. Унинг гаплари, далилларида ўзи билиб-билмаган ҳолда истибдод замони билан мустақиллик даври, эски турмуш билан янги ҳаёт таққосланаётганди. Оддий одамнинг содда мантиғида ҳаётнинг катта ҳақиқати ётарди. Шу дамда унинг кўнглидан кечаётган туйғулар ватанпарварлик дея аталса керак, деб ўйладим.

Яқинда узоқ тумандаги чекка қишлоқдан меҳмон келди. У билан бир мактабда, бир синфда ўн йил бирга ўқиганмиз. Отаси отамнинг дўсти эди. Оталаримизни қишлоқда ишдан бошқа нарсани билмайдиган, меҳнатдан бошқа нарсани тан олмайдиган кишилар сифатида билишарди.

Ўша одамнинг ўғли, собиқ синфдошим бир пайтлар қурилиш ташкилотида ишларди. Ташкилотнинг ишлари нишабга қараб кетаётганини сезгач, у ердан кетди.

Ер олди, чорва қилди. Атрофига ишталаб қишлоқдошлар тўпланди. Ғайратли, ғужарли йигитда, ишлари юришиб кетди. Ўзига янги уй қурди, машина олди. Отасиз жиянларини уйлантирди, чиқарди. Қўраси тўла мол. Ёнида ишлаётганларнинг оиласи ҳам оёққа турди. Ўзи ҳазиллашиб, тегирмон ҳам қуриб олсам туз билан гугуртдан ташқари рўзғорга ишлатиладиган ҳамма нарсани ўзим етиштирадиган бўламан, дейди. Гапида ёлғон йўқ: сут, қатиқ, гўшт, мева-чева, полиз маҳсулотлари, сабзавот асосан ўз томорқасидан чиқади. Кичик тикув цехи ҳам очган. Хотини қишлоқ чеварларига етакчи. Ҳатто туман миқёсидаги корхоналар шу кичик цехга буюртма бермоқда.

Тун алламаҳал бўлгунча суҳбатлашиб ўтирдик. У ҳар пайт-ҳар пайтда қўй сўйиб, ҳамқишлоқларига тарқатишини айтди. Қаранг, ўзини ҳам, савобни ҳам унутмайди.

У қишлоқдан поездда келган эди, янги «Нексия» миниб қайтди. Бозордан ҳалол топган пулига сотиб олди.

Шу ўринда собиқ синфдошимнинг гаплари эсимга тушади: «Давлат одамларни боқмайди, одамлар эркин меҳнат қилиб, ўзи хоҳлаган машғулоти билан шуғулланиб, ўзини ўзи боқиши учун тенг имкониятлар яратади». Дарҳақиқат, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки давриданоқ шу йўлни танламадими?! Истиқлолимизнинг ёши улғайган сайин ушбу ҳақиқатни тўғри англаб етаётганлар, боқимандалик, фаолиятсизлик касалидан халос бўлаётганлар тобора кўпаймоқда.

Холисанилло айтганда, мамлакатимизда меҳнат қилганлар кам бўлмаяпти. Меҳнат ҳам, меҳнат қилган ҳам ўз қадрини топмоқда.

Мен яна собиқ синфдошимнинг отаси ҳақида ўйлайман. Нега умрининг гул даврида истибдод исканжасида ўтган, умр бўйи ғўзаю кетмон, пахтаю хирмондан бошқа нарсани билмаган одамнинг бири икки бўлмади? Ҳуррият замонида яшаётган ўғлига ўхшаб янги уй қуролмади, машина минолмади? Топгани — дефолиация туфайли орттирган касаллик бўлди. Шу касаллик алал-оқибат уни ногирон қилди, йиқитди.

Ҳаёт фаровонлигининг мезони оддий одамлар турмушидаги ўзгаришларда исбот топади. Ростдан ҳам, атрофга назар солинса, таниш-билишларимиз орасида ўз ҳаётидан, турмушидан, иши, машғулотидан мамнун одамларни кўплаб учратамиз. Бундай ўзгаришлар мустақил Ватанимизнинг оддий манзарасига айланиб бормоқда.

**Салим АШУРОВ.**

# ТАДБИР ТАРАДДУДДАН БОШЛАНАДИ

**Халқнинг кучи, қудрати унинг холис ва ҳақ сўзини айтишида, жипслиги ва бирлигида. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловлар ана шу фикрни тўлиқ исботлади. Мамлакатимиз халқи 2000 йилнинг 9 январида — Президент сайловида ҳам уюшқоқлик ва фаоллик кўрсатиши табиий. Самарқанд вилоятида олиб борилаётган ушбу тадбирга ҳозирлик ишлари ҳам ана шулардан далолат бермоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Рустам ХОЛМУРОДОВга саволлар билан мурожаат қилди.**

— Сайлов участкаларидаиш қизғин давом этаяпти, — дейди Рустам Холмуродов. — Асосийси, халқнинг кайфияти кўтаринки, муқобиллик асосида ўтадиган сайловларга қизиқиши катта, иштирок этиш иштиёқи кучли. Буни биз сайлов участкаларига турли савол ва таклифлар билан келаётган сайловчилар нигоҳидан, бўлажак сиёсий тадбир ҳақидаги мушоҳадаларидан ҳам сезаяпмиз. Ватан ва миллат тақдирининг келажаги сайловда кимга овоз беришга боғлиқ эканлигини вилоят аҳли чуқур идрок этаяпти. Чунки одамларимизнинг бугунги сиёсий онги, фикрлаш қобилияти, бундан тўрт-беш йил аввалги даражадагисидан ҳам тубдан фарқ қилади. Улар қалбида бепарволик, бефарқлик каби иллатлар йўқ. Бу халқимизнинг демократияга, ошкораликка қанчалик интиқлиги, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда, уни авайлаб-асрашда куч-ғайратларини аямасликларидан яққол далолат, албатта.

**— Рустам Иброҳимович, Президент сайловига вилоятдаги тайёргарлик борасида ҳам гапириб берсангиз?**

— Биз ишни комиссиянинг йиғилишида вазифаларни тақсимлашдан бошладик. Сайловни ўтказувчи 801 та сайлов участкаси тузилган. Улар фаолиятини қонун талабларига кўра ташкил этиш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзоларини ана шу участкаларга масъул қилиб белгиладик. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар рўйхатлари олинди. Уларнинг сони 1 миллион 354 минг 205 нафар кишини ташкил этади. Барча сайлов участкаларига номзодларнинг дастурлари, таржимаи ҳоллари ва бошқа маълумотлар етказилди. Аммо тайёргарликнинг дастлабки жараёнида ташкилий ишларни йўлга қўйишда қийинчиликлар ҳам бўлди. Муҳим сиёсий тадбирга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказишга лоқайдлик билан қараганлар ҳам учради. Масалан, вакилларимиз Оқдарё туманидаги аксарият сайлов участкаларида камчиликлар борлигини аниқлади. Айрим сайлов участкаларининг кун бўйи ёпиқ туриши, телефон билан таъминланмагани, транспорт ажратилмагани ва бошқа камчиликлар хусусидаги масалаларни муҳокама қилдик, тегишли идоралар эътиборини ана шу муаммолар ечимига қаратдик. Айнан шундай камчиликларга Челак ва Пахтачи туманларида ҳам йўл қўйилди. Лекин ҳаракатларимиз самарасиз кетмади. Бугун барча сайлов участкаларида аҳвол қониқарли. Навбат билан уларнинг ҳисоботларини эшитиб бораётганимиз ҳам тайёргарлик жараёнларидаги ишимизнинг маълум даражада олға силжишига ёрдам берди.

Яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлашни истардим. Сайлов участкаларига сиёсий ва маънавий етук, жонкуяр инсонлар танланган. Вилоят ва туманларда ўтказилган семинарларда улар сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, ҳозирги сайлов ҳужжатларининг бурунгиларидан фарқи, сайланаётган ва сайлаётган фуқаронинг ҳуқуқлари ҳақида кўп маълумотлар берилди. Семинарларга ҳуқуқшуносларнинг, сайлов тизимига алоқадор мутахассисларнинг ҳамда сайлов билан боғлиқ бошқа фуқароларнинг ҳам таклиф этилгани айни муддао бўлди.

Ҳозир округ ва участкаларда доимий навбатчилик йўлга қўйилган. Сайловчилар турли масалаларда округ ва участкаларимизга мунтазам мурожаат қилиб туришибди.

**— Жойларда номзодлар ташвиқоти қай йўсинда амалга оширилаяпти?**

— Сайловларга тайёргарликнинг барча жараёнларида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида»ги Қонун талабларига тўлиқ амал қилаяпмиз. Бундан бир неча кун аввал номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларни бошлаб юборишди. Учрашувлар эса округ сайлов комиссияси томонидан тузилган жадвал асосида олиб борилаяпти. Унга асосан сайлов кунига қадар ишончли вакиллар барча сайловчилар ҳузурида бўлишади. Ташвиқотлар чоғида сайлов қонунларидан асло четга чиқилаётгани йўқ. Уларда демократик тамойиллар ва ошкораликка қатъий амал қилинаётганлигини халқ очиқ-ойдин эътироф этаяпти.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олди.**

# ПРЕЗИДЕНТ ЎҚИГАН МАКТАБДА МИТИНГ

**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан меҳнат жамоаларида йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтмоқда. Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабда бўлиб ўтган шундай тадбир алоҳида кўтаринкилик билан ўтди.**

Сиёб туманидаги маҳаллалар оқсоқоллари ва мазкур мактаб жамоаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда сўзга чиққанлар Юртбошимиз айни шу илм даргоҳида таҳсил олганлигини фахр-ифтихор билан таъкидлашди. Халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошиб бораётганлиги, юртимизда тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик, ҳамжиҳатликнинг барқарорлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва маърифат соҳаларида эришилаётган муваффақиятлар Президентимиз номи билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари 2000 йил 9 январда бўладиган Президент сайловида Ислом Каримов учун овоз беражакларини изҳор қилдилар.

**(ЎзА)**

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жиззахда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакатимиз Президентлигига номзод, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Х.Шукуров очди.

Президентликка номзод А.Жалоловнинг ишончли вакили Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгашининг биринчи котиби И.Умирзоқов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ишончли вакил А.Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби сифатида республика мустақиллигининг маънавий негизини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар кўраётганлигини, у раҳбарлик қилаётган партия сафлари эса йилдан йилга ўсиб, ғоявий-сиёсий ва ташкилий томондан мустаҳкамланиб, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўз олган Президентликка номзод А.Жалолов сайловчиларни ўз дастури билан таништирди. Нотиқ Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни, кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизимини изчил қарор топтириш, жумладан, Ватанимизни жаҳон ҳамжамияти ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи Шаҳло Аҳророва, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби Бурхон Темиров, Дўстлик туманидаги "Истиқбол" фуқаролар йиғини раиси Собир Усмонов ва бошқалар сайловчиларни 2000 йилнинг 9 январь куни бўладиган Президент сайловида мустақил мамлакатимизнинг озод ва обод келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилишга чоғланган муносиб номзод учун овоз беришга даъват этдилар.

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**

# АЗИЗ МАМЛАКАТНИНГ АЗИЗ ФАРЗАНДИ

Йўлбошчимизнинг Ўзбекистон Конституцияси 7 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида яқинлашиб келаётган 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилганини эшитган заҳотим академик шоир Ғафур Ғуломнинг ушбу мисраси ёдимга тушди. Шеър собиқ шўролар замонида ёзилган бўлса-да, зукко шоир Ўзбекистон деган юртга бир куни барибир Истиқлол кириб келишини ва шул жаннатмонанд юртнинг ўзини ҳам, унинг фарзандларини ҳам азизу мукаррам айлашини орзулаган бўлса, ажабмас.

Ўша куни шеър баробаринда ўтмишда нуфузли идоралар пештоқига, республиканинг кўзга кўринарли жойларига илиб қўйилса-да, аслида ҳеч қачон амал қилинмаган (балки тескари амал қилинган) яна бир баландпарвоз шиорни ҳам эсладим: «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!». «Иш билгунча гап бил» замонига хос бўлган мазкур шиор айтарли ҳаётий қимматга эга эмас эди.

Бундан ўн беш йил муқаддам ҳамқишлоғимнинг етти яшар ўғли далага сигир боққани бориб, бетобланиб қайтади. Кеча-ю кундуз иситмаси тушмайди, еган овқати ҳазм бўлмай, қайт қилаверади. Ота-онаси бормаган шифокору табиб қолмади ҳисоб. Охири болани Фарғонадан Тошкентга олиб келишди. Шаҳардаги касалхоналардан бирига жойладик. Жиддий тиббий текширувдан сўнг бола пахта майдонларига сепиладиган дори аралашган сувдан ичиб юриши натижасида шу аҳволга тушгани аниқланди. Иситмаси тушиб, овқат ея бошлади-ю лекин ақли заифроқ бўлиб қолди. Бу дардга даво топилмади. Ҳозир ўша болакай 22-23 ёшда. Ҳар сафар қишлоққа борганимда уни албатта учратаман. Маъюс боқувчи кўзлари юрагимни ларзага солади. Беғубор нигоҳлари қадр-қиммати, болалиги топталган халқимнинг чидаб бўлмас оғриқларидай ориятимни оғритади.

Шукрки, Истиқлол бундай тенгсизликка чек қўйди. У аввало ўзбекнинг инсонлик шаъни, қадр-қимматини тиклашга уринди. Унинг фарзандларини юксаклик ва ёруғликка томон етаклади. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ она ва бола ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, «Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси» тузилди. Зеро ушбу орден мустақил ватанимизнинг ҳам биринчи орденидир. Мантиқан бир-бирига ҳамоҳанг бўлган, маълум эзгу мақсадлар амалга оширилган Инсон манфаатлари йили, Оила йили ва Аёллар йилида ҳам соғлом авлод тарбияси устувор йўналиш касб этди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга тадбиқ этилиши ёшлар — келажагимиз ворисларига бўлган эътиборнинг олий кўринишидир. Нафақат Тошкент шаҳрида, балки республиканинг қатор вилоятларида ҳам академик лицейлар очилди. Бугунги кунда «Умид» жамғармаси орқали кўплаб ёшларимиз жаҳоннинг ривожланган давлатларида ўқишяпти.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани ҳудудида жойлашган Солиқ коллежига йўлим тушиб қолди. Аввало, ўқув юрти биноси архитектура қурилишидан ҳайратландим. Лабиринт услубда қурилган: ўқув хонасидан фавворалар ўрнатилган, гуллар очилиб турган боғчага чиқилади. Кейин йўлакка ўтилади, сўнг ҳовлига. Ўқув юрти ҳарбийлашган бўлиб, талабалар ўқишни тугатиш билан бирга армия хизматини ҳам ўтаган ҳисобланаркан. Овқат, кийим-бош бепул. Ўқув хоналаридаги чиройли ва замонавий стол-стулларни кўриб, тўғриси, фахрланиб кетдим. Чиндан ҳам шу коллеждаманми ёки бирор чет элнинг ўқув юртидаманми дея ўзимга-ўзим савол бердим.

— Талабаларимиз турли вилоятлардан келишган, — дейди директор Мухтор Мухторов. — Мустақиллик бўлмаганида булар елкасидан офтоб уриб, дориланган сувдан заҳарланиб юришармиди. Бугун эса улар билим олиш жараёнида ҳам жисмонан, ҳам маънан улғайишмоқда. Мени қувонтирадиган нарса шуки, талабалар ана шуни беҳад қадрлашади. Ўзбекистон учун хизмат қиладиган соғлом авлоднинг бир қисмидир булар.

Соғлом авлод тарбияси Ватаннинг келажаги учун қайғуриш демакдир. Зотан у бир-икки киши ёхуд уч-тўрт ташкилотнинг иши ҳам эмас. Уни Президентимиз таъкидлаганидек, бирданига бажаришнинг ҳам имкони йўқ. Буёғи ҳар биримизнинг иймон-эътиқодимизга, Ватанга бўлган муҳаббатимизга боғлиқ. Чунки Ватанини севган одамгина унга муносиб фарзанд тарбиялаб бера олади. Касби, ёши, жинси, миллатидан қатъи назар бугун ҳар бир ўзбекистонлик соғлом авлод тарбиясига дахлдор бўлмоғи шарт. Яъни, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғимиз тақозо этилади. Ана шундагина Юртбошимизнинг **«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади»**, — деган сўзлари замирида ўсиб келаётган ёш авлодга буюк бир ишонч мужассамлигини янада-да чуқурроқ англай борамиз.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ МЕЗОНИ

Ўзбекистон янги таълим тизими ҳақида сўз борганда, энг аввало Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан дунёга келган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг аҳамияти тилга олинади. Мазкур дастур дунё таълимида ўзига хос янгилик бўлди.

Бугунги кунда Миллий дастурнинг биринчи босқичида белгиланган вазифалар изчил бажарилаяпти. Жумладан, мустақиллик руҳига мос таълимнинг янги мазмуни шаклланмоқда. Бу фикрни исботловчи мисоллар талайгина. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 13 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари асосида 23 та ўқув фанидан давлат таълим стандартлари лойиҳалари ва синов ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 24 та тажриба-синов майдони ташкил этилиб, ишлаб чиқилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 1998-1999 ўқув йилида синовдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар бирида қўшимча тарзда 23 тадан синов майдонлари ташкил этилиб, мазкур таълим ҳужжатлари тажриба-синовдан ўтказилди.

Президент И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида таъкидланган ғоялар асосида синовдан ўтказилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунигаислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритилди. Такомиллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги қарори, ўқув дастурлари эса Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 26 августдаги Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб ўқув дастурлари билан биргаликда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.




Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини 350 минг нусхада нашр этиш учун 175 миллион сўм маблағ ажратилди. Давлат таълим стандартлари ва дастурлар Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномаси махсус сонлари сифатида еттита китоб тариқасида чоп этилди. Булар барча ўқитувчиларимизга Президентимиз Ислом Каримовнинг совғаси сифатида тарқатилмоқда. Улар умумий ўрта таълим муассасаларининг кутубхона фондларига ўтказилади.

**А. РАҲИМОВ.**

# ПУЛ МУОМАЛАСИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларининг жорий йилнинг ноябр ойидаги ижроси, Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" шу йил 17 ноябрдаги қарорининг бажарилиши, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда бошқа бир қанча масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, мазкур комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди. Жорий йилнинг ноябр ойида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражадан анча юқори бўлди. Ҳисобот даврида банклар кассаларига 8,9 миллиард сўм ёки 17,1 фоиз кўп нақд пул келиб тушди. Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидан ташқари қолган барча ҳудудларда кўзда тутилган даражадан паст бўлди. Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга мажлисда Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Конимех туманида, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Шовот, Янгибозор, Ҳазорасп, Гурлан туманлари ҳамда Питнак шаҳрида муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичларининг бажарилмагани кескин танқид қилинди. Ушбу вилоятлар ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг нақд пул муомаласини барқарорлаштириш борасида олиб бораётган ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур комиссиялар раҳбарларига йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияларининг навбатдаги мажлисларида тегишли кўрсаткичлар бажарилишини уддалай олмаган туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш ҳамда жорий йилнинг декабр ойида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш ва уни муомалага чиқариш ҳажми кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди.

Ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига иш ҳақи тўловларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, бу борада муддати ўтган қарздорликларга йўл қўймаслик, айниқса пенсия ва нафақалар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Тўлов балансининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ "Пахтабанк", "Ғаллабанк" ва "Парвинабанк" акциядорлик-тижорат банкларида экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ишлари, хорижий валюта тушуми ва корхоналарнинг чет эл валютасини мажбурий сотуви аҳволи юзасидан ўтказилган текширувлар якунлари ҳам муҳокама қилинди. Мазкур банклар раҳбарлари зиммасига жорий йилнинг декабр ойида хорижий валютадаги экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва мажбурий сотувнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди.

**(ЎзА)**




## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШАББУСИ

Шу йилнинг 15-17 декабр кунлари Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуида Ўзбекистон касаба уюшмалари соврини учун волейбол бўйича вилоятлараро мусобақалар ғолиблари бўлган меҳнат жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, республика Касаба уюшмалари федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан уюштирилаётган бу турнир илк бор ташкил этилаётгани йўқ. Шундай мусобақалар сал аввалроқ баскетбол ва мини-футбол бўйича ҳам ўтказилган эди.

## ЭЛЧИ КУБОГИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида таэквандо бўйича Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчиси кубоги учун ўзига хос турнир бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг вилоят ва шаҳарларидан жами 8 жамоа 8 та вазн тоифасида гиламга тушишди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган турнирда умумкоманда ҳисобида эркаклар ўртасида тошкентликлар биринчи, Сирдарё ва Андижон вилояти спортчилари иккинчи ва учинчи поғоналарни банд этишди.

Қизлар баҳсида эса пойтахтликларга тенг келадигани топилмади. Улардан кейинги ўрин андижонлик таэквандочи қизларга насиб этди. Ушбу мусобақанинг аҳамиятли томони шундаки, беллашувларда маҳоратини намойиш этиб мутахассислар назарига тушган спортчиларга Жанубий Кореяда ўтказиладиган турнирларга йўлланма берилди.

**О.РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Замондошларимиз*

# ОРЗУЛАРНИНГ ОППОҚ ҚАНОТИ

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида Фозиловлар хонадони ҳақида гап очилгудек бўлса, катта-ю кичик ҳавас ила «Муаллимлар оиласими? Биламиз», дейишади. Гап шундаки, оила бошлиғи Зийнат Фозилов роппа-роса 36 йил мобайнида мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс берди. Ҳозир у пенсияда бўлсада туманда турли соҳаларда фаол ишлаётган юзлаб кишилар «устоз» дея ҳурмат қилишади. Чунки уларнинг бариси Зийнат муаллимдан сабоқ олган. «Устозимиз бизга доимо бир гапни такрор-такрор уқтирарди: чуқур билим эгаси бўлсанг, меҳнат машаққатларига сабр-қаноат билан бардош берсанг, қаршингда тоғ турсаям йиқита оласан! Бугун бу пурҳикмат сўзларнинг қанчалик тўғри эканлигига ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз», — эътироф этишади шогирдлари.

— Давлатимиз раҳбарининг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувда сўзлаган нутқини ўқиб чиқдим, — дейди Зийнат ота Фозилов. — Қаранг, республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида жуда қисқа муддат ичида 23 та лицей, 11 та касб-ҳунар коллежи қурилибди. Янги йилда яна иккита академик лицей, 14 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилар экан. 2005 йилга бориб эса, коллежлар сони 114 тага етаркан. Мени қувонтирган яна бир нарса, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси орқали қорақалпоқ элининг 21 нафар ўғил-қизи бугунги кунда Америка, Буюк Британия, Япония, Германия каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. Маърузадаги **«Ўзингиз ўйланг, етмиш йил мобайнида бирорта қорақалпоқ йигити Америкага бориб таълим олганмиди?»** деган сўзларни ўқиб, тўғриси, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир буни биз, кекса муаллимлар бутун умр бўйи орзу қилиб яшадик-да. Шукурки, мустақиллик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш, унинг неъматларини кўриш менга ҳам насиб этди. Айниқса, 8 фарзандимнинг 6 нафари ота касбини эгаллаганидан беҳад бахтиёрман.

Дарҳақиқат, Зийнат Фозиловнинг ўғли Абдуғаффор физика-математика фанлари доктори, профессор, қизи Сапаргул мактаб директори, қолганлари ҳам ўқув даргоҳларида ёш авлодга таълим-тарбия беришмоқда.

Бу оилада ўқитувчиларнинг учинчи авлоди ҳам вояга етаяпти. Сапаргул Фозилованинг эгизак фарзандлари Оймон ва Чўлпон бугунги кунда Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олмоқдалар.

Сапаргул опа қизларининг педагогика университетида ўқишаётганини айтганда, унинг овозида фахрланиш туйғусини сездим.

— Биласизми, ўқитувчи боланинг мурғаккина оламини нурафшон этувчи қуёшдир, — деди у. — Қуёш жамики мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлгани каби, ўқитувчи ҳам боланинг интилишлари, орзу-умидлари, келажагига асос яратувчи манба бўлмоғи лозим. Ўқитувчи оила, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини англайдиган, Ватан туйғусини дилдан ҳис этадиган, ахлоқий пок ва жисмонан бақувват фарзандларни тарбиялаб етиштириши лозим.

Сапаргул Фозилова билан анча суҳбатлашдик. Маълум бўлдики, Сапаргул опа директорлик қилаётган 32-мактаб «Ёнбошқалъа» массивида жойлашган бўлиб, тумандаги таянч масканлардан бири экан. Оталиқ ташкилотлар — «Ёнбошқалъасувқурилиш» тресrи ва Нурумбетов номидаги жамоа хўжалиги кўмаги билан 620 ўринли мактабга яна 320 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб берилибди. Натижада 900 нафар ўқувчи энди бир сменада ўқиётган экан. Мактаб ўқитувчиларининг 80 фоизи олий маълумотли, 20 фоизи ўрта маълумотли бўлиб, бари ўз мутахассислиги бўйича дарс беришади.

— Таълимни янги босқичга кўтариш, ўқувчиларга пухта ва чуқур билим бериш омилларидан асосийси — ўқитувчининг ўз касбини қай даражада эгаллай олганлиги, методик маҳорати, умуммаданиятининг юксаклигидир. Буларни аниқлаш учун ишончли мезон — аттестация. Бу муаллимнинг ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши, педагогик маҳорати эътибордан четда қолмаслигига кафолат беради. Ҳозирги кунда муаллимлар бевосита ташкилот раҳбари ва педагог ходим томонидан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади ва уларга аттестация якунларига биноан, табақалаштириб ҳақ тўланади. Бу эса муаллимнинг ўз устида ишлашга, педагогик технология янгиликларидан боҳабар бўлиб туришга ундайди. Чунки ўқитувчининг ўртача бўлишига ҳаққи йўқ. Фаровон келажакнинг таянч нуқталари қанчалар мустаҳкам бўлиши айнан бугун камол топаётган ёш авлоднинг билим ва кўникмалари нақадар мукаммал бўлишига боғлиқ. Шу сабабли, таълим-тарбия соҳаси жамиятнинг ғоявий-ижтимоий ривожланишида ўзига хос ўрин эгаллайди. Таълим нафақат такомиллашган, балки жаҳон талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак...

Табиатан камгап, тортинчоқроқ бўлган Сапаргул опа гап келиб ўқувчиларига тақалганда, баҳри дили очилиб, ҳатто орзуларини ҳам ўртоқлашдилар. Мактаб қошида ташкил этилган гиламчилик тўгараги цехга айлантирилаётган экан. Чунки устозлари ёрдамида ўқувчилар тўқиган гиламчалар ўзининг сифатлилиги билан анча харидоргир чиқиб, мактабнинг моддий базасини яхшилаш учун катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, иқтисодиёт бўйича йўналтирилган синфлар очиш режалари бор.

— Ҳозир иқтисодиёт дарсликлари муаллифлари билан шартнома тузиш ҳақида бош қотираяпман, — дейди Сапаргул опа. — Иқтидорли болаларни иқтисодиёт бўйича йўналтирилган синфларда ўқитсак... Хорижда, обрўли дорилфунунларда ўқиётган болаларга жуда ҳавасим келади. Бизнинг мактабимизда ўқиган болалар ҳам ана шундай чуқур билимли, етук бўлсалар, хориж мамлакатларида ўқиб келсалар, деб орзу қиламан. Лекин холва деган билан оғиз чучимайди. Орзуни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш лозим. Демак, ҳамма гап биз, ўқитувчиларнинг ғайратига боғлиқ...

Сапаргул опа билан хайрлашар эканман, кўнглимга ёруғ бир шуълалар қуйилгандек бўлди. Келажак авлодни баркамол ва етук қилиб тарбиялаш учун тинмай изланаётган, ўз мақсади йўлида асло чарчамайдиган муаллимлар кўп юртимизда. Ҳа, Сапаргул опа муаллимларни қуёшга ўхшатганида ҳақ эди. Қуёш туфайли кунларимиз шукуҳлироқ, фаровонлироқ бўлса, устозлар берган билим шарофати ила умримиз файзлироқ, мазмунлироқ ўтади.

**М. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



СУРАТДА: 32-мактаб директори Сапаргул Фозилова.
**В. ПОРТНОВ олган сурат.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.10*
1 2 3 4 5 6

Антибиотиклар ишлаб чиқарувчилар пешқадами —
"ГУФИК-АВИЦЕННА" қўшма корхонаси
таклиф этади.

ГИРОЦИД (Норфлоксацин), 400 мг, таблетка. Сийдик йўли мураккаблашган ва мураккаб бўлмаган инфекциялар ва гонореяни даволашда қўлланилади.

АМАКСИН (Амоксициллин), 250 мг, 2х10 капсула. Кенг шифобахш хусусиятга эга антибиотик. Юқори ва қуйи нафас йўллари инфекцияларига қарши восита.

МЕТРОНИДАЗОЛ таблеткалари, 200 мг. Трихомоноз, лямблиоз, амебиаз, анаэроб инфекцияларини, айниқса, жинсий аъзолар ва интенстинал йўл инфекцияларини даволашда муваффаққиятли қўлланилади.

ОЛИН (Ампициллин-тригидрат Б.Ф.), нафас йўллари инфекциялари, ошқозон, ичак йўли инфекциялари, септицимия ва синуситларни даволашда қўлланилади.

КОТРОКС (Ко-Тримоксазол), 480 мг. Сийдик йўллари, ошқозон-ичак йўллари ва нафас йўллари инфекциялари ва жинсий йўл билан ўтган инфекцияларни даволашда фойдаланилади.

СУКСИЛ (Цефалексин Б.Ф.), 250 мг, 3х10 капсула. Асосий кўрсаткичлари тери ва юмшоқ тўқималар инфекциялари, нафас йўллари инфекциялари, суяк ва бўғимлар инфекцияларига қарши муолажа воситаси.

"ГУФИК-АВИЦЕННА"
Саломатлигингиз ҳақида қайғуради.

2191

"ГУФИК-АВИЦЕНА", Бухоро ш., тел.: (3652) 26-17-30, 26-47-41, 26-14-11. "ГУФИК ЛТД", Тошкент ш., тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.

РЕСПУБЛИКА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, АҲОЛИСИ ҲАМДА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«МУСАВВИР»
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
ўз сотув дўконларидаги халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигининг ажойиб ва ноёб маҳсулотларини халқимизга янги йил туҳфаси тариқасида 20% арзонлаштирилган нархларда накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилишини маълум қилади.
Корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузишлари мумкин.
*Савдо дўконлари Тошкент шаҳрида «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ», «ЎЗБЕКИСТОН» меҳмонхоналари, Марказий универсал магазини, ҳамда «МУСАВВИР» марказининг биносида жойлашган.*
БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ:
34-02-15,
34-01-14,
34-03-60.
2362
СОТУВ ДЎКОНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 14 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 88,49 | 1 Миср фунти | 40,78 | 1 СДР | 191,75 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,31 | 10 Испания песети | 8,52 | 1000 Туркия лираси | 0,27 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 226,32 | 100 Италия лираси | 7,32 | 1 Финляндия маркаси | 23,85 |
| 10 Бельгия франки | 35,16 | 1 Канада доллари | 94,42 | 1 Франция франки | 21,62 |
| 1 Голландия гульдени | 64,35 | 1 Хитой юани | 16,84 | 1 Швейцария франки | 88,75 |
| 10 Греция драхмаси | 4,31 | 10 Люксембург франки | 35,16 | 1 ЕВРО | 141,82 |
| 1 Дания кронаси | 19,07 | 1 Малайзия ринггити | 36,69 | 10 Жанубий Корея вони | 1,23 |
| 1 БАА дирхами | 37,96 | 1 Германия маркаси | 72,51 | 10 Япония иенаси | 13,62 |
| 1 АҚШ доллари | 139,42 | 1 Польша злотийси | 33,67 | 1 Россия рубли | 5,20 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 27,75 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!
Кўп қаватли тураржой бинолари, хусусий уйлар йўлаклари, идоралар, банклар, муассасаларда ўрнатиш учун
«МЕҲМОН» кўпхонадонли домофони вазифаси:
- Хонадонларда яшовчилар билан келувчи ўртасида икки томонлама аудио ва видео алоқа (200 хонадонгача).
- Йўлакдаги қулфни очиш: электрон калит билан (1000 та калитгача), шахсий код билан, хонадондан буйруқ бўйича.
- Ўта мустаҳкам қоплама (тажовуздан ҳимоя).
- Чақирилаётган хонадон рақамига алоҳида тартиб берилиши.

МЕҲМОН - V
ҚЎРИҚЛОВЧИ ВА ЁНҒИНДАН САҚЛОВЧИ ПАНЕЛЛАР
МОНИТОРЛАР
ТВ-камералари
МЕТАЛЛ ДЕТЕКТОРЛАРИ
ҚЎРИҚЛОВЧИ ДАТЧИКЛАР
ВА БОШҚА УСКУНАЛАР
Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61.
LL@2225

Беруний «ЁҒГАР»
очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси
Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
Янги — 2000 йил билан
самимий қутлайди.
Ҳаётингиз осойишта, турмушингиз фаровон, байрам табассуми доимо ҳамроҳингиз бўлсин.
2360
Беруний «Ёғгар» ОТҲЖ.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси газета бўлим муҳаррири Михли Сафаровга ўғли
**Отамурод САФАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Гулистон» журнали жамоаси тарих ва маънавий мерос бўлими мудири Маҳкам Маҳмудовга рафиқаси
**Ойдин МАҲМУДОВАнинг**
бевақт вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси жисмоний тарбия кафедраси мудири Саидмурод Абдурашидовга отаси
**Комил АБДУРАШИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси жамоаси Хоразм вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Жаббарган Абдуллаевга онаси
**Анабиби РЎЗМЕТОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси Қурилиш комплексини молиялаштириш ва кредитлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Райҳон Матлябовна Алимовага сингиллари
**Сария Матлябовна АБДУЛЛАЕВАнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси гидромелиорация факультетининг Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва қишлоқ сув таъминоти кафедрасининг профессори, геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
**Саидраҳмон Шоабдиевич МИРЗАЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти жамоаси ЎзР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Қ. Ғ. Ғуломов, биология фанлари доктори Т. Ғ. Ғуломова ҳамда ЎзФА мухбир аъзоси Б. С. Йўлдошевларга волидаи муҳтарамалари
**МУҲАРРАМА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.